(Давоми. Боши 1-бетда).

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ОЧИҚ-ОЙДИН МУЛОҲАЗАЛАРИ

Мисол учун, Ўзбекистон Президенти ҳамма нарсадан кўр-кўрона нусха олишни ўз давлати хавфсизлиги учун хатарлардан бири, деб ҳисоблайди. Тажриба — тайёрланмаган омма онги учун бундай қадамнинг хавфли эканини кўрсатмоқда, деб ёзади у. Ҳатто жуда қизиқарли мулоҳазаларни ҳам ўқиймиз: анча тез ва можаросиз сиёсий эркинликни олиш мумкин — собиқ совет республикаларининг сиёсий мустақилликка эришуви бунга мисол бўла олади; иқтисодий эркинликка ҳам нисбатан тез эришса бўлади — буни биз Шарқий Осиёдаги саноати ривожланган мамлакатлар мисолида кўриб турибмиз; лекин давлат ичкарисида сиёсий эркинликларни таъминлаш — пухта ўйлаб, ҳар томонлама ёндашишни, одамларнинг онгида узоқ муддат давомида мослашишни талаб қиладиган жараёндир.

Ғарб демократияси андозалари зўр бериб тарғиб қилинаётган ва маърифий мамлакатлар томон ҳаракатимиз гўёки онгли равишда секинлаштирилаётгани танқид қилинаётган бир пайтда бу гаплар биз учун жуда дадил янграйди, десам фикримга қўшилсангиз керак.

Муаллифнинг сиёсий куч сифатидаги мухолифатга оид мулоҳазалари шу жиҳатдан қизиқарлидир. У мухолифатнинг мавжудлигини демократик жамият учун мажбурий ва меъёрий ҳолат, деб ҳисоблайди. Бундай сўзларни машҳурми ёки унча машҳур эмасми — барча сиёсатчилардан эшитганмиз. Лекин ҳокимиятга қарама-қарши турган ҳар қандай кучни мухолифат деб аташ мумкинми? Ислом Каримов гўёки зимдан ана шундай саволни ўртага қўйиб, жавоб беради: йўқ, мухолифат деб ҳисоблаш мумкин эмас. Уруғчилик ва маҳаллийчилик манфаатларини кўзлаётган, ўзларини муносиб амалдан маҳрум қилинган деб нолиб, шу сабабли, давлат ва жамият олдида турган муаммоларни ҳал этиш жараёнида ҳокимият тузилмаларига қарши маърифий ва амалий мухолиф бўлиш ўрнига, мамлакатда амалга оширилаётган ҳамма ишларга "мухолиф" бўлиб турган жиззаки кишиларни соғлом мухолифат деб бўлмайди.

Китобда, умуман, демократия, жамиятни демократиялаш муаммоларига кўп эътибор берилган. Бу масалалар Ўзбекистоннинг тарихи ва ҳозирги тараққиётига татбиқан қараб чиқилган, албатта. Бироқ муаллифнинг кўп мулоҳазалари фикр йўналишининг кутилмаган томонга бурилиши билан илгари айтилган ва кўп марта такрорланган, шу сабабли сийқаси чиққан ибораларни танқидий идрок этишга мажбур қилади. Китобдан фақат битта парча келтираман. У бироз узунроқ туюлиши мумкин. Шунга қарамай, назаримда, бу парча ҳозирги вақтда юз бераётган жуда кўп иқтисодий ва сиёсий жараёнларни тушуниб олишга калит бўлади, Россиядаги бир қанча оммавий ахборот воситаларида Ўрта Осиёдаги бу мамлакатда амалга оширилаётган ўзгаришларнинг суръат ва йўналишлари тўғрисида босилган кўпгина танқидий мақолаларга жавоб бўлади.

"Ўз-ўзидан равшанки, — деб ёзади муаллиф, — сиёсий тузум тўла-тўкис амал қилишини ва унинг янада эркинлашувини таъминлаш учун уни ташкил этувчи ҳамма тузилмалар, яъни, мавжуд субъектлар — шахс, сиёсий институтлар, аҳолининг ижтимоий гуруҳ ҳамда қатламлари ва ҳоказолар тўлақонли фаолият кўрсатишига эришиш зарур. Шу сабабли, бунда ушбу жараённинг барқарорлигини таъминлаш зарурлиги назарда тутиладиган бўлса, сиёсий тузумни эркинлаштириш усулларини, унинг механизмини ва суръатларини ишлаб чиқиш ғоят муҳим аҳамият касб этади. Сиёсий тузумнинг ҳар бир бўлаги, ҳар бир даражаси ривожланиш ва эркинлаштириш стратегиясини ишлаб чиқишда алоҳида ёндашувни талаб қилади. Сиёсий ҳаётни эркинлаштиришда шошқалоқликка йўл қўйиш, изчиллик бўлмаслиги олдиндан айтиб бўлмайдиган хавфли оқибатларни келтириб чиқариши мумкин".

Китобдан яна бир парча келтираман: "...бизнингча, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан тайёр бўлмаган заминда демократиянинг барча тамойилларига — эркин сайловга, сўз эркинлиги, уюшмалар, йиғилишлар эркинлиги ва шу кабиларга "яшил йўл" очиб берсак, ҳақиқий демократияни бўғиб қўйиш хавфи юзага келиши ҳам мумкин".

Менимча, ўзи раҳбарлик қилаётган давлат чиндан ҳам демократик давлатга айланиши учун ҳамма ишни қилаётган инсонгина бундай "антидемократик" мулоҳазаларини очиқ-ойдин баён қила олади. Дарвоқе, бўлажак сайловни кутиб яшаётган республикамиздаги ҳозирги сиёсий вазиятда ҳақиқатан ҳам Бошқирдистон фуқароларининг фаровонлиги тўғрисида ўйлайдиган бўлсак, китобдан келтирилган сўнгги парчани тез-тез эслаб туриш фойдадан холи бўлмайди.

Ўтган йилнинг кузида амалий ташриф билан Ўзбекистонда бир неча кун бўлдим. Сўнгра сафар таассуротларимни республикамиз газеталаридан биридаги мақоламда баён қилиб бердим. Ўшанда айтилган гапларга ҳозир шуни илова қилишим мумкинки, Россиядан фарқли ўлароқ, Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтиш пайтида жуда кўп муаммолардан холи бўлди ёки бу муаммоларнинг кескинлигини камайтира олди. Марказий Осиёдаги бу мамлакатда ҳам иқтисодиётни бозор изига солишда макроиқтисодий мувозанатга, пулнинг қадрсизланишини камайтиришга, пул миқдори ва давлат бюджетидаги камомадни чеклашга ҳаракат қилинди. Бироқ бу мақсадларга эришиш суръатлари ва усуллари Россиядагидан фарқ қилди. Ана шу фарқ туфайли ислоҳотнинг Ўзбекистон модели тўғрисида гапириш имкони пайдо бўлди. Ўзбекистонда ишлаб чиқаришнинг ҳалокатли равишда камайиб кетиши, турғунликка тушиши ва ишдан чиқиши, бунинг оқибатида тўланмаган қарзлар ва давлат қарзи ҳажмининг удда қилиб бўлмайдиган даражада ошиб кетиши, бюджетнинг мунтазам равишда ва тобора кўпроқ бажарилмай қолиши, аҳолининг аксарият қисмининг моддий аҳволи кескин ёмонлашуви ва қашшоқлашуви ҳисобидан макроиқтисодий мақсадларга эришишга ҳаракат қилинаётгани йўқ. Республика Президентининг китобида бу ҳақда яққол ва аниқ айтилган. Бу ерда иш ҳақи, пенсия ва нафақалар тўланмай қолиши муаммоси мумкин қадар камайтирилган.

Ислоҳотларни амалга ошириш бўйича Ўзбекистон йўлининг фарқи нимада? Ислом Каримов батафсил ёзади — бу фарқ бозор иқтисодиёти қарор топаётган шароитда мамлакат ичидаги товар ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашдир.

Бу — ислоҳотларнинг дастлабки босқичларида истеъмол бозорини бирмунча чеклашга мажбур қиладиган қийин йўл, албатта. Айни пайтда маблағ ва ресурслар иқтисодиёт таркибини қайта ташкил этишга, экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқариш учун илғор технология билан жиҳозланган замонавий база яратишга, ички бозорни мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлдиришга сарфланди. Худди шу мақсадда мамлакат маблағлари ва қарз олинган маблағнинг кўп қисми, энг аввало, инвестицияга, республикага янги технологиялар ва техникани келтиришга сарфланмоқда. Бу сиёсат ҳозирнинг ўзидаёқ самара бермоқда: Асака шаҳрида автомобиль заводи, Бухорода нефтни қайта ишлаш заводи ишга тушди. Хорижий ҳамкорлар иштирокида ўнлаб тўқимачилик ва ип йигирув фабрикалари қурилди.

Бу ёндашувни бизнинг Россия воқелигимиз билан беихтиёр қиёслайди киши. Россияда ислоҳотларнинг дастлабки босқичида ички маблағ ва қарз олинган валюта ресурсларининг катта қисми истеъмол молларини импорт қилишни кенгайтиришга сарфланди. Натижада ўз товар ишлаб чиқарувчиларимиз ички бозордан беихтиёр сиқиб чиқарилди. Пировард натижада миллий саноат ва қишлоқ хўжалиги таназзулга учради, баъзан эса, бутунлай барбод бўлди.

Назаримда, бу мисолдан ўзимиз учун сабоқ олиш зарурати бор. Сўнгги йилларда республикамизнинг Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий муносабатлари бироз сусайгани сир эмас. Энг аввало, пахта толаси барқарор етказиб берилмаётганлиги енгил саноатимизга кучли зарба бўлди. Ҳа, Ўзбекистон ўз мустақиллигининг дастлабки йилларида нефтни қайта ишлаш маҳсулотларига кўпроқ эҳтиёж сезган, биз бундан фойдаланиб қолган эдик. Лекин Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ишга тушганидан сўнг, Ўзбекистон ёнилғи учун четга қарам бўлмай қолди ва пахта толаси асосан эркин алмаштириладиган валютага сотила бошлади. Бундай вазиятда Қорақалпоғистонда Қўнғирот сода заводи қурилиши тўғрисидаги хабар бизни чуқур ўйга толдириб, ўзимиз ҳам шу тариқа қадамлар ташлашимиз лозимлиги тўғрисида мулоҳаза қилишга мажбур этмайдими?

Ҳозир Ўзбекистоннинг муайян қийинчиликларни бошидан кечираётган қишлоқ хўжалигида ҳам биз учун шубҳасиз қизиқарли бўлган кенг кўламли ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бу қийинчиликлар қишлоқда мутлақо янги тармоқларни - ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаларни, коммуникация тармоқларини, замонавий маиший ва сервис хизматини барпо этиш ҳисобига бартараф қилинмоқда. Хизмат кўрсатиш соҳаси тегишлича ташкил этилса, қишлоқдаги барча киши иш билан таъминланибгина қолмай, қишлоқ қиёфаси, қишлоқдаги турмуш маданияти тубдан ўзгариб кетади, дейди ишонч билан китоб муаллифи.

Мен бугун газетхонларга тақдим этаётган китобнинг қиммати — унинг таниқли сиёсатчи, таъбир жоиз бўлса, Шарқ дарвозаси ҳисобланган давлат раҳбарининг фикрлари, ғоялари ва мулоҳазалари билан танишиш имконини беришидагина эмас. Китоб ҳозирги вақтда мустақил Бошқирдистон мустаҳкам алоқа ўрнатган бу ажойиб мамлакатнинг келажаги тўғрисида аниқ тасаввур бериши билан ҳам қимматлидир.

**З. ТИМЕРБЎЛАТОВ,**
**Бошқирдистон Республикаси Ташқи алоқалар ва савдо вазирининг ўринбосари.**

*("Советская Башкирия" газетасининг 1998 йил 4 май сонидан олинди).*

Мулоҳаза

# ОЛИЙ ТАРИХИЙ ТАЪЛИМ ЗАРУР

Ватан тарихининг халқ ва миллат тақдирида тутган ўрнига Президентимиз юксак баҳо бериб «Ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди», — деган эдилар.

Ижтимоий гуманитар фанлар ҳозир ислоҳот талабларига жавоб бера олмай, орқада қолаётгани маълум. Бу «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да ҳам алоҳида кўрсатилди. Масаланинг мураккаб томони шундаки, ҳозирда ўқитилаётган фанларнинг ҳар бирини мутахассис кадрларда ҳар томонлама комилликни таъминлай олувчи ўрни ҳисобга олинмоғи ва уларнинг ўзаро уйғунлашуви, мутаносиблиги таъминланмоғи керак. Буни шунинг учун айтаяпмизки, ҳозирги кунда олий ўқув юртларида «Фалсафа», «Марказий Осиё халқлари фалсафаси тарихи», «Диншунослик», «Маданиятшунослик», «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» каби бир қатор фанлар ўқитилади. Афсуски, бу фанлар мазмунан жиддий ислоҳотга эҳтиёж сезиб турибди. Уларда бир-бирларини такрорлаш ҳоллари мавжуд. Иккинчидан, уларда Ўзбекистон тарихини у ёки бу ҳолда мослаштириб ва ҳатто мослаштирмай айнан кўчирилган. Масалан, «Маданиятшунослик»ни «Маданият тарихи» дарслигидан фарқлаб бўлмайди. «Фалсафа»дан тузилган бир дастурда унинг биринчи бўлимидаги 11 та мавзудан 5 тасида Ўзбекистон тарихи ҳақида гапирилади.

Шуни ҳам айтиш кераккки, мавжуд дарсликларда тарихий воқеликларга нотўғри ёндашишлар ҳам кўзга ташланади. Масалан, «Фалсафа»дан тузилган бир дастурда жадидчилик «XX аср бошларида пайдо бўлган» дейилса, иккинчисида «XX асрнинг биринчи чорагида» деб ҳар хил кўрсатилади. Шунингдек, бу дастурларнинг бирида фалсафа фани уч бўлим ва 22 мавзуга, иккинчисида эса беш бўлим, 24 мавзуга бўлинган. Учинчисида 16 мавзуга ажратилган. Нима учун шундай? Бу дастурларда мавзулар шахсий нуқтаи назарлар асосида танлангани аниқ сезилиб турибди. Ёки «Фалсафа ва хусусий фанлар (?), уларнинг ўзаро муносабатлари» деган фикрни қандай англамоқ керак? Бундай мантиқсизликларга дастурларни русчадан ўзбекчага ағдаришдаги эҳтиётсизликлар сабаб бўлган бўлса керак.

«Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» курси аслида, Ватанимизнинг энг янги тарихидир. Умуман олганда, Ватанимиз тарихи энг қадимги даврлардан XIX аср ўрталаригача ва ундан кейинги ҳозиргача бўлган даврларни ўз ичига олган икки босқичда алоҳида-алоҳида ўқитилиши керак.

Ўзбекистон тарихини олий таълимда ўқитишда эса, назаримизда, қуйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Аввало, унинг маданият, дин ва бошқа соҳа тарихларига бўлинишига бутунлай барҳам бериб, бутлаб олиш керак. Иккинчидан, Ўзбекистон тарихини одатдагидай хронологик босқичлар асосида ўқитиш афзал. Бироқ бунда унинг жаҳон тарихида тутган ўрни, унга эса жаҳон тарихининг таъсири масаласига алоҳида эътибор берилиши лозим. Учинчидан, умумий ўрта , ўрта махсус таълим соҳаларидаги педагогик талаблардан фарқли равишда, олий таълим босқичида Ўзбекистон тарихи илмий-далилий услуб асосида, чуқур мулоҳазалар билан бойитилган дарс бўлиши зарур. Яъни, бу босқичда талабаларга шунчаки тарихий билим эмас, балки тарихий илм берилмоғи мақсадга мувофиқдир. Олий таълимда тарих дарслари ўтилишида ҳам демократик давр талабларидан келиб чиқилса, яхши бўларди. Масалан, ҳозиргидек талабаларни маъруза тинглашга мажбурлаш усулидан воз кечиш мумкин. Бунинг ўрнига профессор-ўқитувчиларнинг муқобил усулдаги илмий маърузалари ёзилган махсус ленталар кафедралар ва кутубхоналарда сақланса, улардан хоҳлаган пайтда талабалар фойдаланиши мумкин.

Хуллас, олий таълим босқичида умумий олий тарихий таълим ёшлар маънавияти ва мафкурасининг такомили учун ғоятда зурурдир. Бунинг устига, тарихий таълимни олий таълимда ўқитишда жиддий ва дадил изланишлар олиб борилмоғи ҳозирги куннинг муҳим талабларидандир.

**Сотимжон ХОЛБОЕВ,**
**доцент.**

# КЕКСАЛАРИ ЭЪЗОЗДА

Кексалик — қувончли палла бўлмаса-да, бу ёшга кирган ҳам бор, кирмаган ҳам. Кўксидаги оқ соқолига ҳавас билан боқадиган нуронийларимизни ҳам бизга бир умр боғлаб берганмас. Ўтаётган ҳар бир кунимиз қадрига етишимиз зарурлигини англаган Шавкат Сатторов хайрли юмушнинг уддасидан чиқди. Самарқанд шаҳридаги «Даҳбед» кўчасида «Ибн Сино» номи билан аталувчи ташхис ва даволаш маркази ишга туширилди. «Шуҳрат-С» савдо-ишлаб чиқариш фирмаси шифо масканини Сиёб туманида истиқомат қилувчи уруш қатнашчиларига совға қилди. Бу ерда уруш фахрийларига бепул хизмат кўрсатилмоқда. Етти кабинетнинг барчаси замонавий техник ва тиббий ускуналар билан жиҳозланган.

— Бизни алқаганларни Парвардигор суйсин, — деб дуо қилишмоқда бу ерда дардига малҳам топаётган нуронийлар. Албатта, бу дуоларнинг эгаси «Шуҳрат-С» фирмаси аъзоларидир.

**Гули ЧЕҲРА.**

# МАСЛАГИ БИР, МАҚСАДИ БИР

*Тўрақўрғон туманидаги «Ғайрат» жамоа хўжалиги ерлари асосан қир-адирлардан иборат. Шу туфайли хўжаликдаги мавжуд 1200 гектар ернинг 80 фоизи насослар орқали суғорилади. Табиийки, ҳозир насослар тақчил, қолаверса, нархи осмонда. Бир товуққа ҳам дон, ҳам сув керак. Бироқ «Ғайрат»чилар бундан ташвиш тортмайди. Чунки улар вилоят электр насосларидан фойдаланиш бошқармаси хизматига қаттиқ ишонадилар. Бошқарма ҳалигача хўжаликка бирон марта бўлса-да, панд бергани йўқ. Негаки, уларнинг маслаги ҳам, мақсади ҳам бир: далалардан юрт ризқи — мўл-кўл ҳосил олиш.*





СУРАТДА: «Ғайрат» сув насос станциясининг электриги Жамшид Юсупов.

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

Ажабо!

# ЗАР ҚАДРИГА ЗАРГАР ЕТАДИ, БИНО ҚАДРИГА-ЧИ?!

Риштоннинг Воҳим қишлоғида бундан ўн уч йил муқаддам 725 ўринга мўлжалланган мактаб биноси қурилган эди.

— Бундан нафақат воҳимликлар, балки Бўжай, Бўстон қишлоқлари аҳолиси ҳам қанчалар қувонганди-я, — дея хабар беради куйинчак журналист Асадулло Солиҳ. — Салкам уч гектар майдонни ўз ичига олган икки қаватли бино республика Енгил саноат уюшмасига қарашли «Турон» ҳиссадорлик жамиятига ўтди-ю, умидлар саробга айланди. Воҳимликлар беш йилдан буён ташландиқ аҳволга тушиб қолган бинони мактабга қайтариш илинжида юришса, айрим нокас кимсалар эса уни талон-торож қилиш пайида.

«Зар қадрини заргар билади», дейишади. Айтишларича, туман ҳокимининг асл касби бинокорлик экан. Ажабмас, бинокор бинонинг қадрига етса...

СЕССИЯДАН КЕЙИНГИ ЎЙЛАР

# ЭЪТИҚОДЛИ, ОҚИБАТЛИ БЎЛАЙЛИК

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси Шарофиддин МИРМАҲМУДОВ билан суҳбат**

- *Дину диёнатнинг қонуний кафолати*
- *Виждон эркинлиги қонунига риоя қилишни ўрганайлик*

**— Республика Олий Мажлисининг XI сессиясида «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Қўмита раиси, жамиятнинг бир аъзоси сифатида янги Қонунга муносабатингиз?**

— Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳийм!

Аввало, таъкидлашим жоизки, дунёнинг бирон-бир мамлакатида динга эътибор-эъзоз, ҳурмат, диндорларга эҳтиром, иймон-эътиқоднинг эркин-эмин ривожланишига хайрихоҳлик, ёрдам, дин арконларини адо этишга кенг имкониятлар яратиш мустақил Ўзбекистонимиздагидек баравж эмас. Турли диний ташкилотлар равнақига қаратилган янги Қонун қоидалари ҳам, муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов жанобларининг дин ва диндорларга кўрсатаётган эзгу марҳаматлари ҳам фикримизнинг аён далилидир. Бундай савобли саъй-ҳаракатлар юртимизда динга эътиқод қилувчи фуқароларнинг бир-бирларига нисбатан, айни вақтда ҳар хил диний ташкилотлар ўртасида тотувлик ва ҳурматнинг қарор топишига ёрдам беради, иншооллоҳ.

Энди Қонуннинг янги таҳрирда қабул қилинишига келсак, ўз вақтида амалга оширилган зарур тадбир айни муддао бўлди. Сабаби, Ўзбекистон Республикасининг амалда бўлиб келган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуни 1991 йилда қабул қилиниб, унга 1993 йилда ўзгартиришлар киритилган Қонун асосига қурилган эди. Қонун қабул қилингандан буён республикамиз ҳаётида талайгина тарихий, улуғвор ўзгришлар содир бўлди. Аллоҳга шукрлар бўлсинким, давлатимиз тетапоялик давридан эсон-омон ўтиб олиб, балоғат сари қадамлар қўйди.

Мамлакатимизнинг маънавий, тарихий, маърифий, диний ҳаётида ҳам қатор ўзгаришлар юз берди. Ҳаётнинг барча жабҳаларида бўлгани каби, маънавият соҳасида ҳам қонун устуворлигини таъминлаш ва мустаҳкамлаш эҳтиёжи тобора сезила бошлади. Ана шуларни эътиборга олган ҳолда Қонуннинг янги таҳририни қабул этилиши зарурат эди. Айтиш жоизки, Қонуннинг янги таҳририни тайёрлаш жараёнида нафақат қонуншунослар, балки мазкур Қонундан бевосита манфаатдор бўлган ташкилотлар, жумладан, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Рус православ черкови ва жамоатчилик вакиллари, олимлар, амалиётчи диндорлар ҳам иштирок этдилар.

Унинг асосий мақсади ҳар бир шахснинг виждон эркинлиги ва диний эътиқод ҳуқуқини, динга муносабатидан қатъи назар, фуқароларнинг тенглигини таъминлаш, шунингдек, диний ташкилотларнинг фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиб туришдан иборатдир.

Бу муҳим ҳужжатнинг қиммати яна шундаки, у фуқароларнинг динга нисбатан ўз муносабатларини аниқлашга ва тўғри, холис ифодалашга ёрдам беради, ҳеч қандай тўсиқсиз динга эътиқод қилиш ҳамда диний маросимларни бажо келтириш, шунингдек, диний жамоаларнинг фаолияти билан боғлиқ муаммоларни қонуний ҳал қилиш ҳуқуқларини таъминлайди.

**— Ижозатингиз билан, шу ўринда яна бир масалага ойдинлик киритсак. Мазкур Қонуннинг мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, инсон ҳуқуқлари, манфаатлари ҳимоясига қаратилган қатор қонунлар билан муштараклиги динни, айниқса, инсонни қадрлашда маънавий ўлчовларни ишга солишни теранлаштиради, шундайми?**

— Айни шундай. Мазкур Қонун ўзининг моҳият эътибори билан истиқлолнинг ўтган даврида қабул қилинган фуқароларимизнинг ҳақиқий эркинлигини таъминловчи жаҳон андозалари даражасидаги қонун-қоидаларга, ҳуқуқ ва бурчларини баён этувчи Ўзбекистон Республикаси имзолаган халқаро ҳуқуқ доирасидаги барча ҳужжатларнинг мазмунига ҳамоҳанг бўлиб, айни пайтда жамиятимиз ҳаётининг ўзига хос хусусиятларини тўлалигича ҳисобга олади. Янги тараққиёт талабларига жавоб беради.

**Масалан, Қонуннинг тўртинчи моддасида, «Фуқароларнинг динга муносабатига қараб уларнинг ҳуқуқларини ҳар қандай чеклаш ва уларга бевосита ёки билвосита имтиёзлар белгилаш, душманлик ва адоват уйғотиш ёхуд уларнинг диний ёки даҳрийлик эътиқоди билан боғлиқ ҳис-туйғуларини ҳақоратлаш, диний зиёратгоҳларни оёқ ости қилиш қонунда белгиланган жавобгарликни келтириб чиқаради»,** деб ёзиб қўйилган. Бу — адолатли, гўзал ҳаётга интилаётган республикамиз раҳбариятининг олижаноб ва халқимизнинг пок нияти мевасидир. Таассуфки, фуқароларга, динга шундай кенг йўл очилган мамлакатимизда баъзи нопок одамлар ўз манфаатларини ўйлаб, ваҳҳобийликнинг ножўя шиорларини ўзларига байроқ қилиб олиб, тинч-осойишта ҳаётимизга раҳна солмоқчи бўлмоқдаларки, бундай ношукрчиликка, нонкўрликка асло йўл қўйиб, чидаб бўлмайди.

1991-1992 йиллардаги шарт-шароитни ҳаммамиз яхши эслаймиз. Шуни рўй-рост тан олишимиз керакки, йўлбошчимизнинг оқилона сиёсат юритганликлари туфайлигина биз Тожикистон офатини четлаб ўта олдик. Ўшанда ички ва ташқи мухолифларимиз ислом давлати қуриш ғоясини бизга сингдирмоқчи, қардош қўшни давлатлар билан бизнинг орамизда диний ва миллий низоларни келтириб чиқармоқчи бўлган эдилар. Ана шундай бир шароитда ва аввалги қонуннинг заиф томонларидан фойдаланган ҳолда жамиятимиз учун ёт бўлган баъзи бир диний секталар ва диний ташкилотлар рўйхатдан ўтиб олишга муваффақ бўлдилар ва ҳозирги кунга қадар фаолият юргизиб келдилар.

**— Эндиликда янги Қонун асосида турли-туман дин вакилларига муносабат қандай бўлади?**

— Биз Ўзбекистонда асрлар давомида диний асосда ҳеч қачон қирғинбаротлар содир бўлмаганлиги билан ҳақли равишда фахрланамиз. Лекин айни пайтда, қўштирноқ ичидаги инсон ҳуқуқларини рўкач қилиб , бир диндаги диндорларни бошқа динларга, хусусан, турли секталарга киришга тарғиб қилаётганларга қарши бўлиб келганмиз. Қонуннинг бешинчи моддасига: **Бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм) ман этилади,** деган таъкиднинг киритилганлигини қўллаб-қувватлаймиз.

**— Наманган ва Андижон вилоятларида ўтган йилнинг охирида рўй берган кўнгилсиз воқеаларнинг замирида фарзандларимизнинг тарбиясида йўл қўйилаётган камчиликлар ҳам ётганлигини мамлакатимиз раҳбари XI сессияда сўзлаган нутқларида таъкидлаб ўтдилар.**

**«Илмсиз — дин бўлмас», деб таъкидлайдилар диёримиздан чиққан буюк алломаларимиз. Турли табақа ва ёшлар илмсизликдан, Ислом нималигини, унинг тарихини, асоси ҳам арконларини билмасликдан адашаётганга ўхшамайдими?**

— Шу боис Қонунда диний таълим масалаларига ҳам кенг ўрин ажратилган. **«Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари руҳонийлар ва ўзларига зарур бўлган диний ходимлар тайёрлаш учун диний ўқув юртлари тузишга ҳақли»,** деб ёзиб қўйилган Қонуннинг 9-моддасида. Барча диний таълим муассасалари Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтишлари ва лицензия олишлари керак. Диний ўқув муассасаларида дарс бериш ҳуқуқи махсус диний таълим (тайёргарлик) олган шахсларгагина берилади. Хусусий тартибда диний таълим бериш ман этилади. Ўйлаймизки, Қонуннинг янги таҳририда диний таълимнинг сифати ва самарадорлигини ошириш учун етарли ҳуқуқий асос яратиб берилган ва айни пайтда фарзандларимизнинг онгини заҳарлаб, ақидапарастлик ғояларини сингдириш воситаси бўлган **ҳужра таълими** асосли ва адолатли равишда ман этилган.

Умуман, Қонун ўлкамизда олиб борилаётган диний фаолиятни такомиллаштиришга ёрдам беради. Жумладан, диний ташкилотларнинг низоми, рўйхатга олиш тартиби, уларнинг мулки ва ишлаб чиқариш фаолиятлари ҳақида ҳам батафсил маълумотлар берилган.

Қонуннинг 14 моддасида: **«Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг (диний ташкилотларнинг хизматидагилар бундан мустасно) жамоат жойларида ибодат либосларида юришларига йўл қўйилмайди»,** деб ёзиб қўйилган. Биз ислом ақидапарастлиги, ваҳҳобийчилик таълимоти ҳамда ғояларининг ёшларимиз онгини заҳарлаётгани, мамлакатдаги фуқаролар тинчлиги ва тотувлигига таҳдид солаётгани ҳақида гапириб ўтдик. Республикада кейинги йилларда нафақат вилоятларда, балки пойтахт Тошкентда ҳам аёлларимиз ва қизларимиз орасида ҳижоб кийишга бўлган қизиқиш ортиб кетди. Ҳижоб деганда мен аҳолиси иқлим шароити туфайли (шамол, қум бўронлари) кўзларидан бошқа ҳамма аъзоларини беркитиб юришга мажбур бўлган мамлакатлардан олиб келинган кийимларни назарда тутаяпман. Аёллар ва қизларимизнинг миллий кийимлари ҳам Қуръон ва Ҳадисларда кўрсатилган талабларга тўла мос келади. Эътиқод қалбда бўлади. Уни ҳаётимиз, урф-одатларимиз учун ёт бўлган кийимлар кийиш билан кўз-кўз қилиш шарт эмас.

Жамоат жойларида ибодат кийимларида юрмаслик барча динларга эътиқод қилувчи фуқароларга таааллуқли эканлигини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Кези келганда, уйма-уй юриб **даъват ва жиҳод** тарғиботи билан шуғулланаётган, тўй ва маросимларда олдиларига қўйилган таомларни ҳаром деб айтишгача бориб етаётган отинчаларга ҳам маслаҳатимиз: мазкур Қонунни яхшилаб ўрганиб, тегишли хулосалар чиқариб олсинлар. Юртимизда ҳамма замонларда отинлар кулфат тушган хонадонларга маънавий мадад бериш билан шуғулланиб келганлар ва шунга мос равишда ҳурмат-иззатда бўлганлар. Ҳозир эса баъзи отинларнинг қилаётган ишлари на қонунга, на маънавий урф-одатларимизга мос келади. Менимча, жамоат ташкилотлари, хусусан, Республика Хотин-қизлар қўмитаси бўлимлари, маҳалла қўмиталари отинларимизнинг фаолиятига кўпроқ эътибор ажратсалар, катта ёрдам қилган бўлардилар.

**— «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддасида диний адабиётлар ва диний мақсадларга мўлжалланган буюмлар ишлаб чиқариш, экспорт ва импорт қилиш шартлари белгилаб берилган. Эътиборингизни ана шу диний адабиётлар мавзусига жалб қилишни истар эдим.**

— Мустақиллик эълон қилингандан бери ва айниқса, сўнгги йилларда диний адабиётларни тайёрлаш ва нашр қилиш кўп жойларда назоратдан қолиб келаётгани рост. Натижада муаллифлари номаълум бўлган, ислом ақидалари турлича, баъзи ҳолларда зид йўсинда тушунтирилган, баъзан жамиятимиз учун ёт бўлган мазҳабларга тааллуқли бўлган, хусусан, ислом ақидапарастлиги ғоялари билан йўғрилган китоблар ҳам аҳолининг қўлига бориб тегаётган эди. Миссионерлик фаолияти билан шуғулланаётган баъзи секталар эса, республикамизда ўзларининг ёт ва зарарли таълимотларини тарғиб қилувчи китобларини ўзбек тилида нашр эттириб, тарқатишга уриниб юрдилар ва бунга қисман муваффақ ҳам бўлдилар. Қонуннинг прозелитизм ва миссионерлик фаолиятини ман этувчи ҳамда диний нашрларни тайёрлаш ҳамда тарқатиш меъёрларини белгилаб берувчи моддалари бу хилдаги уринишларга барҳам беради ва жамиятимизни соғломлаштириш жараёнига ҳисса қўшади, деб умид қиламиз.

**— Қонун қабул қилинди. Унинг фуқароларимизнинг манфаатлари йўлида, жамиятимизнинг маънавий соғломлиги йўлида хизматлари беқиёс бўлажаги шубҳасиз. Лекин ушбу Қонуннинг ҳаётга оғишмай татбиқ этилишини таъминлаш барчамизнинг бурчимиз, барчамизнинг ишимиз, албатта. Бу борада Дин ишлари бўйича қўмита кўзлаётган режалар ҳақида ҳам гапириб берсангиз?**

— Очиғини айтсам, тан олишимиз керакки, бу соҳада ишлаб чиққан ва амалга оширишни мўлжаллаётган ишларимизни аввалроқ, кенгроқ ва қатъийроқ рўёбга чиқаришимиз керак эди. Биз бу борада ишни диний ташкилотлар ўртасида, масжид, мадрасаларда, жамоат ўртасида янги Қонун қоидаларини, Ўзбекистон Президентининг тегишли фармонларини кенг тушунтиришдан бошлаб юбордик. Диний ташкилотларнинг хайрия ва тинчликни, осойишталикни таъминлашга қаратилган ишларини мувофиқлаштиришга алоҳида эътибор қаратдик. Республикамиз фуқароларининг диний маросимларни адо этиш эркинлиги борасидаги конституцион ҳуқуқларига, низом, қонун-қоидаларга амалда қандай риоя қилинаётганлигини ҳар жиҳатдан ўрганишга киришилди. Диний ташкилотларнинг халқаро алоқаларини амалга оширишда, халқаро диний тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишда фаол қатнашиш, турли диний ташкилотлар, диний уюшмалар ва ҳокимият органлари ўртасидаги масалаларни адолатли, қонуний ҳал қилишда ёрдам кўрсатиш муддаомиздир. Ҳаёт ўз навбатида янги-янги вазифаларни илгари суриб туради. Биз Оллоҳдан мадад сўраб, барчасини баҳоли қудрат бажаришга интилаверамиз.

***— Савобли ишларингизда муваффақиятлар тилаб қоламиз.***

**Расул РАҲМОНОВ**
**суҳбатлашди.**

